Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 10 (6. 799) ◉ 1989 йил 12 январь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

◉ «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонаси ҳарф терувчиси Сония ШАРИПОВА.

**Замондошимиз**



Р. Ходиев фотоси.

Тошкент шаҳар партия комитетининг бўлажак пленуми олдидан

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ—ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

## Долзарб мавзуда суҳбат

**Февраль ойининг охирлари—март ойининг бошларида «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талаблари асосида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни тубдан яхшилашга доир шаҳар партия комитетлари ва ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» кун тартиби билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг пленуми бўлади. Шу муносабат билан мухбиримиз шаҳар партия комитети социал-иқтисодий бўлимининг мудири Б. Ғ. Йўлдошев билан учрашди.**

**— Баҳодир Ғаниевич, XXVI шаҳар партия конференциясидан сўнг ана шундай кун тартиби билан шаҳар комитетининг биринчи пленуми ўтказилишига сабаб нима?**

— Гап шундаки, XXVI партия конференциясида тошкентликларни озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири сифатида тилга олинди, бу йўналишдаги шаҳарнинг улкан имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилаётгани йўқ. Шаҳар партия конференциясида икки йил мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни сезиларли даражада кўпайтириш зарурлиги ҳақида гапирилди.

**— Сиз ушбу вазифани бажариш мумкин, деб ҳисоблайсизми?**

— Ҳа. Аммо бунинг учун уни ҳал этишга ёндашувни ва муносабатни тубдан ўзгартириш, шаҳар илмий, ишлаб чиқариш потенциалининг, барча коллективларининг озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини кескин кўпайтириш керак бўлади. Мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарлари тажрибаси бу вазифани ҳал этиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Улар билан солиштирганда биздаги бу ҳисса салмоқли эмас. Шаҳарликлар озиқ-овқат вазифаларининг ҳал этилишига боқимандалик билан қарамасликлари лозим. Партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг бурчи одамларни, республика пойтахтининг бутун улкан илмий, ишлаб чиқариш потенциалини ана шу вазифани бажаришга сафарбар этишдан иборат.

**— Пленумга тайёргарлик бошлаб юборилган кўринади?**

— Тайёргарлик бошланди. Шаҳар партия комитетининг ташкилий бўлими билан биргаликда пленумга тайёргарлик тартиби келишиб олинди ва ҳозир ишлаб чиқилмоқда, докладни тайёрлаш бўйича ишчи группаси ташкил этилди. Мазкур группага бизнинг бўлимимиз ходимлари билан бир қаторда шаҳар партия комитетининг ташкилий, идеология бўлимлари ходимлари ҳам киришди. Сайланма активларни — шаҳар партия комитети аъзоларини, кенг доирадаги турли соҳа мутахассисларини жалб этиш мўлжалланади.

Тайёргарлик давомида шаҳарнинг озиқ-овқат программасини қайта кўриб чиқиш, уни янги йўналишлар билан тўлдириш вазифаси қўйилган. Жумладан, аҳоли жон бошига йилма-йил озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши ва ишлаб чиқарилишини, шаҳар озиқ-овқат саноатининг ўсишини, уни реконструкция қилиш суръатларини таҳлил этиш мўлжалланмоқда. Шаҳар партия комитети ушбу масала юзасидан қабул қилган барча қарорларнинг бажарилишини таҳлил этиб, тегишли хулосаларни тақдим этиш мўлжалланади.

**— Пленум шаҳар озиқ-овқат программасининг ҳал этилишига меҳнат коллективлари қўшаётган муайян ҳиссага эътибор берадигандек кўринади...**

— Мутлақо тўғри. Афсуски, ҳозир бунга партия ва хўжалик раҳбарларининг, масалан, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этишга, оталиқ ёрдамига турлича ёндашувлари кузатилмоқда. Пленумга тайёргарлик давомида биз шаҳар корхона ва ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликларини, боғполизчилик ширкатларини ривожлантиришнинг, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, сабзавот омборхоналари, теплицалар қурилиши борасида меҳнат коллективлари ёрдамининг тўла манзарасини вужудга келтириш ниятидамиз.

Қишлоққа оталиқ ёрдамини янада ривожлантиришни муҳокама қилиш учун материаллар тайёрланади. Бизнинг шаҳримиз пойтахт областига, унинг ҳар бир райони—қишлоқ районига, ҳар бир корхонаси бирор хўжалигига ёрдам бериши керак. Оталиқ ёрдамининг янги кўринишларини, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янгича ёндашувларини излаш ва такомиллаштириш лозим. Ҳамкорлик ҳар икки томон учун манфаатли бўлиши керак. Масалан, йирик корхоналарнинг норентабель совхозларни сотиб олиши ҳақидаги таклиф диққатга сазовор кўринади.

**— Мазкур йўналишда эҳтимол мамлакатимизда муайян тажриба тўплангандир?**

—Биз бўлимда уни ўрганиб чиқишни мўлжаллаяпмиз. Илтимосимизга кўра мамлакатимизнинг бошқа регионларидан, шу жумладан ўша ерларда стажировкадан ўтаётган ўртоқларимиз тегишли материалларни бизга юбора бошладилар. Умуман пленумга тайёргарлик давомида биз мазкур серқирра муаммони ҳал этишга ёндашувнинг қайта қуриш руҳидаги янги қизиқарли ечимларини топиш вазифаларини олдинга қўйяпмиз.

Аммо, шак-шубҳасиз, пленумда район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг мазкур йўналишдаги ташкилотчилик ишларига алоҳида эътибор берилади. Афсуски, сўнгги вақтларда ушбу масалалар район партия комитетларида, партия ташкилотларида камдан-кам кўриб чиқилаяпти. Шунинг учун ҳам коллективларнинг озиқ-овқат таъминотига ўз ҳиссасини кўпайтириш ишида етарли даражада сафарбарлик ҳис этилмаяпти. Ҳали кўп жойларда боқимандалик, истеъмолчилик кайфиятлари кучли эканлиги сезилади. Кўпгина партия ва хўжалик раҳбарлари мазкур масалага ўз ёндашувларини қайта кўриб чиқишлари керак. Бугунги кунда ўз-ўзини таъминлашга қаратилган йўлни янада аниқроқ ўтказиш керак бўлади.

**— Бу шу куннинг талабидир. Шу билан бирга ҳозир ҳаёт савдода яшириниб ётган катта резервларни ҳам кўрсатаяпти. Ишлаб чиқариш билан бир қаторда савдони ташкил этиш ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Етиштирилган маҳсулот камроқ исроф бўлишига ҳаракат қилиш лозим.**

—Пленумга савдони ташкил этишни яхшилашга доир атрофлича материаллар тайёрланади. Бу борада ҳам муаммолар талайгина. Савдо ходимларини барча маҳсулотларни сақлаб қолиш, уни харидорга уринтирмай-нетмай етказиб бериш, юксак даражада маданий хизмат кўрсатишдан манфаатдор қилиш усулларини ҳам топиш керак. Бу борада ҳам янгича ёндашувлар, оилавий ва коллектив пудрати, фирмали магазинлар зарур. Кооператив ва бозор савдоси жиддий яхшиланишга муҳтож. Ушбу масалаларнинг ҳаммаси область партия комитети, Савдо министрлиги билан, Давлат план комитети, «Ўзагропром» билан янада яқин ҳамкорлик қилиш масалалари каби бўлажак пленумда муҳокама қилинади. Фаннинг ишлаб чиқаришга, озиқ-овқат маҳсулотларининг қайта ишланишига ҳиссасини янги босқичга кўтариш керак. Афсус билан шуни қайд этиш керакки, ҳозирча фаннинг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш борасидаги серқирра муаммоларни ҳал этишга ҳиссаси мутлақо бугунги кун талабларини қондирмайди. Биз илмий ташклотлардан ушбу муҳим вазифани ҳал этишга ўз ҳиссаларини сезиларли даражада кўпайтиришларини кутамиз.

Биз Ўзбекистон пойтахти барча аҳолисини шаҳар озиқ-овқат программасини ҳал этишнинг янгича ёндашувларни изланишда иштирок этишни таклиф этамиз.

**Суҳбатни В. АРКАДЬЕВ ёзиб олди.**

**Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўллашингизни сўраймиз: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» газета редакциясига. «Шаҳар партия комитетининг бўлажак пленумига» белгисини қўйишни унутманг.**

## Сиз билан биргамиз

**— Инсон дарди ҳаммадан кўра медицина ходимларига яқиндир, — деди медицина фанлари доктори Матлуба Азимжонова. — Биз арман биродарларимизнинг қайғу-аламига шерикмиз, ўз яқинларидан жудо бўлганларга ҳамдардлик билдирамиз. Қардошларимизнинг юкини енгил қилиш учун мен бошқараётган бўлим ходимлари бир кунлик иш ҳақимизни арман халқига ёрдам фондига ўтказишга қарор қилдик.**

**—Бу хайрли ишга бетараф одам фақат бизнинг коллективда бўлмаса керак, — дейишди медицина фанлари кандидатлари Б. Нурматов, Ж. Усмонов, В. Рябовлар.**

**— Ёшларимизда бундай фикр ушбу қайғули хабарни эшитган заҳотиёқ пайдо бўлган эди, — деди комсомол ташкилотининг секретари Нодир Муҳамедов.**

**— Керак бўлса, энг яхши малакали врачлар бригадасини Арманистонга юборишга тайёрмиз, — ўз фикрини билдирди клиника бош врачи Шуҳрат Турсунов.**

**Бу гаплар яқинда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги педиатрия илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган кўп кишилик митингда ўзгача ҳаяжон билан қайд этилди.**

**Коллектив бир кунлик иш ҳақини 700412 счётга ўтказишга қарор қилди.**

**У. КАРИМОВ.**

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИ УЧУН

## БИЗ ҚАНЧАМИЗ ВА ҚАНДАЙМИЗ?

**Бу саволларга яна бир неча кундан сўнг компьютерлар аниқ жавоб беради.**

**Ҳозирчалик бу ишга ҳисобчилар енг шимариб киришдилар. Хўш, ишлар қандай кетяпти? Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг аҳоли рўйхати бўйича бошлиғи ўринбосари А. Ф. Спиридонова билан мухбиримизнинг суҳбати ана шу савол билан бошланди.**

— Тошкент шаҳрида аҳоли ялпи рўйхатини ўтказиш учун 9 минг ҳисобчи ва бошқа рўйхатга олувчилар тайёрланди. Бугун улар ҳамшаҳарларимизнинг эшикларини қоқиб, аҳоли рўйхати бўйича тузилган махсус анкетанинг 25 та саволига жавоб оладилар.

**— Аҳоли рўйхатининг моҳияти нимадан иборат?**

— Ҳаммани билиш учун ҳар бир кишини сўраб чиқиш керак. Бу ҳар бир гражданин зиммасига катта масъулият юклайди. Ҳар бир киши фақат тўғри, аниқ ва лўнда жавоб бериши, ҳисобчиларни чалғитмасликлари, алдамасликлари керак.

**— Аҳоли рўйхати учун асосий ҳужжат — паспорт керакми?**

— Йўқ, биз одамларга ишонамиз. Бу ҳам демократия шарофати. Улар виждонан ҳалол гапни айтишлари лозим.

**— Ҳисобчилар ҳам аноййи бўлишмаса керак!..**

— Бўлмасам-чи, улар ҳам махсус тайёргарликдан ўтишган, йўл-йўриқлар олишган. Ҳисобчи ҳар бир киши ҳузурига камида икки марта келиб-кетади. Шу ўринда ҳамшаҳарларимизга битта илтимосимиз бор. Илтимос, ҳисобчилар айтган пайтда уйда бўлишса, умуман, бу ишга жиддийроқ ёндашишга ҳаракат қилишса...

**— Александра Федоровна, ҳаёт қизиқда. Ҳар хил воқеалар бўлиб қолиши мумкин. Рўйхат ўтказилаётган пайтда кўплар командировкага кетиб қолиши ҳам мумкин. Уларни рўйхатдан ўтказиш нима бўлади?**

— Бу ҳақда ташвишланмасак ҳам бўлади. Бунинг олди олиб қўйилган. Мамлакатимиз бўйича 900 мингдан зиёд ҳисобчи ишлайди. Махсус группалар аҳолини вокзал ва аэропортларда ҳам, автовокзалларда ҳам рўйхатга оладилар. Денгиз ва океанлардаги кемаларда хизмат қилаётган кишилар ва йўловчилар ҳам сўраб - суриштирилади. Хуллас, ҳеч ким ҳисобчилар эътиборидан четда қолмайди.

**Суҳбатни М. ХАЛИЛОВ ёзиб олди.**

## ЯНГИ ГАЗЕТАНИНГ БИРИНЧИ СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

Бу газета қайта қуриш шарофати билан юзага келди. Сиёсий система демократиялаштирилиши, экономикани туб ислоҳ қилиш чуқурлаштирилиши муносабати билан давлат бошқаруви соҳасида, ҳукуматнинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб туришда ошкораликни кенгайтиришга эҳтиёж ошиб бормоқда. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков СССР Министрлар Советининг органи — «Правительственний вестник» газетхонларига ўз мурожаатномасини ана шундай бошлайди.

Ана шу нашрнинг босмадан чиққан биринчи сонида ҳозир ҳукумат олдида турган энг долзарб муаммолар тўғрисида, меҳнаткашлардан келаётган хатлар ҳақида, Халқ Комиссарлари Совети иш бошлаган дастлабки кунлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Газетхонлар энг муҳим қарорлар қабул қилиш механизмлари ҳақида хабардор бўлибгина қолмай, шу билан бирга редакцияга йўллаган ўз таклифлари, хатлари билан ҳукумат органларининг ишига таъсир кўрсатишлари мумкин.

## КАЛЕНДАРЬ-СПРАВОЧНИК

«Коммунист. Календарь-справочник. 1989» деган китоб босмадан чиқди. Бу йиллик нашрда партия ва давлат тарихидаги энг муҳим воқеалар, марксизм-ленинизм классиклари, атоқли партия ва давлат арбобларининг асарлари ҳақида ахборот берилган бўлиб, ундан кўп нарсаларни билиб олиш мумкин.

Шунингдек иқтисодий бўлим материалларига ва партия қурилиши масалаларига ҳам катта ўрин берилган.

Справочникни сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

# Ватан амри билан

Фоторепортаж





Кейинги беш ярим минг йил давомида бу кўҳна дунё 15 мингга яқин уруш ва жангу жадалларни бошидан кечирди. Сўзсиз уруш қурбонсиз бўлмайди. 1418 кун давом этган жаҳондаги энг оғир ва даҳшатли урушда совет халқи 20 миллион кишисини йўқотди. Шу боисдан совет халқи уруш нималигини билади, тинчликнинг қадрига етади. Шоира айтганидек:

«Ўқлар орасида таниш бир фарёд,
Боласин кўтариб чопар бир аёл
Бу аёл дунёдир, қўлидаги у
Боласининг оти Тинчлик биламан.
Пичирлар, пичирлар: Қандай қиламан?!
Мен бош кўтараман.
Сен бош кўтарасан.
Бу аёл томонга ўтолмас уруш».

Ҳа, мамлакатимиз ер юзида тинчлик учун курашмоқда. Лекин ер юзининг маълум жойларида уруш олови ҳамон ёниб турибди. Қўшни ва дўст давлат Афғонистон шундай ўчоқлардан бири. Дўст бошига кулфат тушганда ёрдам қўлини чўздик. Йигитларимиз ўзларининг интернационал бурчларини шараф билан ўтадилар. «Женева битими ва Афғонистондан ҳарбий қисмларимизни олиб чиқиб кетиш бошланганлиги, — деган эди М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида, — умумтинчлик учун хавф туғдираётган, халқлар тараққиётига тўғаноқ бўлаётган регионал низоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш ишида муҳим халқаро босқич бўлди... Жангчиларимиз Афғонистондан Ватан амри билан чиқиб кетмоқдалар...».

Ҳа, улар ўз она юртига қайтиб келмоқдалар. Шу кунларда Тошкент аэропорти ва темир йўл вокзалида солдат формасидаги жангу жадалларни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган жиддий қиёфадаги йигитларни учратасиз. Жамоатчи фотомухбиримиз Е. Ботиров олган ушбу суратларга бир разм солинг-а? Ҳозиргина самолёт трапидан тушган бу солдатларнинг вужудини Ватан фахри, она юрт туйғуси, соғиниш ҳисси қамраб олган, улар қаттиқ ҳаяжонда... Уларнинг ҳар бири афғон диёрида ўзига хос жангнома саҳифасини яратган, жасоратлари ҳар қанча мақтовга лойиқ.

Акмал Икромов район комсомол комитети ва В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти ўз хизмат бурчини ўтаб қайтаётган йигитларимизни ўз оталиқларига олдилар. Тошкент заминига оёқ қўйиб, республикамизнинг турли областларига йўл олувчи интернационалчи-жангчиларни меҳмонхонага жойлаштириш, билет олиб бериш ва кузатиб қўйишда алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Иккинчи бир суратга қаранг, юртдошлар билан дийдор кўришиш қандай яхши! Халқимиз жанг майдонларида жасорат кўрсатган ботир фарзандларини доимо ардоқлайди. Оддий гул бу ана шу ҳурматнинг белгиси.

Учинчи суратда эса дўстлар яна дийдор кўришган пайт акс этган. Уларни олдинда янги вазифалар кутмоқда. Жанг майдонларида ҳаётнинг оғир синовларидан ўтган бу йигитлар шубҳасиз революцион қайта қуришнинг олдинги сафларида бўладилар.

Т. ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: Тошкент аэропортида кутиб олиш.



